



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGINING**

B U Y R U G‘ I

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
жамоатчилик маслаҳат Кенгаши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури”нинг 12-банди ижросини таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоатчилик маслаҳат Кенгаши тўғрисида Низом 1 – иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоатчилик маслаҳат Кенгаши таркиби 2 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринbosари Ш. Шерматов зиммасига юклансин.

Вазир

X. Мирзахидов

Toshkent sh.

2016-yil, “09”-dekabr

359-son

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг
2016 йил “9”декабрдаги
359-сон буйруғига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
жамоатчилик маслаҳат Кенгashi тўғрисида Низом**

1. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоатчилик маслаҳат Кенгashi ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848 –сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида Низом ҳамда амалдаги норматив хужжатлар ва мазкур Низом талабларига амал қиласди.

2. Мазкур Низом тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоатчилик маслаҳат Кенгashi (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) мақсади ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

3. Кенгаш доимий фаолият юритувчи маслаҳат органидир.

4. Кенгаш аъзолари сони ва таркиби Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади.

5. Кенгаш таркибига қўйидагилар киради:

Вазир (Кенгаш раиси), Вазирнинг биринчи ўринbosари ва Вазир ўринbosарлари (лавозими бўйича), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг бошлигининг биринчи ўринbosари (лавозими бўйича), вазирликнинг тегишли бошқармалари, бўлимлари бошликлари, Вазирлик таркибига кирувчи корхоналар ҳамда лицензиялар асосида фаолият юритувчи тегишли корхоналар раҳбарлари.

Кенгаш аъзоларидан бирортаси лавозимидан озод қилинса ушбу

лавозимга тайинланган шахс Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

Кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги буйруғи билан ўзгартириб турилади.

2. Вазифалари

6. Кенгашнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиб бериш, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда лицензия масалалари бўйича маслаҳат бериш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал этишда ваколат доирасида кўмаклашиш, соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишдан иборат.

7. Кенгаш ўзининг қарорлари билан тадбиркорлик субъектларига маслаҳат бериш, улар фаолиятида юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал этишда ваколат доирасида кўмаклашиш, соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қиласди.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг таклифларини ўрганади ва умумлаштириб, қонун ва қонуности норматив ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш бўйича зарур таклифларни тайёрлайди.

9. Янги қабул қилинган соҳага доир норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиб бериш, уларнинг хуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида семинарлар ташкил этади.

3. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

10. Кенгашнинг фаолияти раис томонидан тасдиқланган режа асосида амалга оширилади.

11. Кенгаш мажлиси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган бир йиллик иш режасига асосан бир йилда камида икки маротаба ўтказилади.

Кенгаш иш режаси лойиҳаси Кенгаш котиби томонидан ҳисбот йили якунида кейинги йил учун тайёрланади ва Кенгаш раисига тасдиқлашга киритилади.

Кенгаш иш режаси гуруҳ аъзолари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг асослантирилган таклифлари асосида шакллантирилиши мумкин.

11. Кенгаш аъзолари соҳада тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва турини ошириш, тадбиркорлик субъектларини ривожланишига ғовларни бартараф этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар, уларни олдини олиш йўллари юзасидан Кенгаш котиби орқали ўз таклифларини Кенгаш муҳокамасига тақдим этишлари мумкин.

Барча хужжатлар тайёрлангандан сўнг масала Кенгаш котибининг тақдимномасига кўра Кенгашнинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилади.

12. Кенгаш йифилиши кун тартиби Кенгаш иш режаси ва/ёки Кенгаш аъзоларининг таклифига асосан масъул котиб томонидан шакллантирилади ва Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлисига бошқа давлат органлари вакиллари ва тадбиркорлик субъектлари таклиф этилиши мумкин.

13. Кенгаш раиси йўқлигида Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси ўринbosарларидан бири келишилган ҳолда олиб боради.

14. Кенгаш тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муҳим масалаларни кўриб чиқиб, таҳлил ва муҳокамалар асосида тегишли тадбирларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган қарор қабул қиласди.

Кенгаш мажлисида Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашгандагина Кенгаш қарори қонуний ҳисобланади.

15. Қарор Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган ҳолларда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

16. Кўриб чиқилган масалалар бўйича қабул қилинган Кенгаш қарорлари Кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади ва амалга тадбиқ этилади. Кенгаш мажлиси баённомаси Кенгаш котиби томонидан тузилади.

17. Қонун доирасида қабул қилинган Кенгаш қарорлари Кенгаш аъзолари томонидан бажарилиши шарт ва улар белгиланган тартибда жавобгардирлар. Кенгаш раиси Кенгаш қарорлари бажарилишини назорат қиласди.

4 Кенгаш аъзоларининг мажбуриятлари

18. Кенгаш аъзолари қўйидаги мажбуриятларни бажарадилар:

Кенгаш иш режаси ва кун тартибига мувофиқ Кенгаш мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилишда, қарор қабул қилиш ва уни тадбиқ этиш юзасидан Кенгаш ишида фаол қатнашадилар;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларни тегишли қонун хужжатлари бўйича тушунтириш ишларини олиб борадилар;

фуқароларнинг тегишли масалалар юзасидан қилган мурожаатларини ўрганиб чиқадилар ҳамда уларга тегишли йўл-йўриклар кўрсатадилар;

ўзига маълум бўлган тегишли ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг тижорат сирига оид маълумотлари сир сақланишини таъминлайдилар.

Кенгаш аъзолари зиммасига Кенгаш муҳокамасига киритиладиган масалалар бўйича маълумотлар ва хужжатлар тайёрланишини таъминлаш ҳамда таклиф-мулоҳазалар бериш юкланди.

Кенгаш аъзолари ўзига биритирилган масалаларга оид Кенгаш маълумотлари ва хужжатларини, қарор лойиҳаларини, тегишли таклиф ва мулоҳазаларни Кенгаш ўтказиладиган кундан бир ҳафта олдин тайёрланишини ҳамда Кенгаш котибига етказилишини таъминлашга масъулдирлар. Кенгаш

котиби күриб чиқиладиган масалаларга тааллуқли материалларни умумлаштириб, Кенгаш раиси ва аъзоларига тақдим этади.

Күриладиган масалаларга оид маълумотлар ва хужжатларни тайёрланишига Кенгаш аъзолари масъулдир.

19. Кенгаш аъзолари фаолияти давомида жисмоний ва юридик шахсларга берган маслаҳатлари фаолиятни юритишда берган йўналиш ва тушунтиришларига, шунингдек Кенгашда күриб чиқилган ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги учун жавобгардирлар.

5 Маълумотлар ва хужжатларни тайёрлаш, иш юритиш

20. Кенгаш ўтказиладиган муддатдан уч кун олдин Кенгаш аъзолари томонидан тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган долзарб масалалар юзасидан пухта ва сифатли тайёрланган керакли маълумотлар Кенгаш котиби томонидан Кенгаш аъзоларига йўналиш бўйича юборилади.

Кенгаш котиби Кенгаш аъзоларидан олинган маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласи ва тегишли маълумотларни тайёрлайди.

21. Кенгаш аъзолари томонидан маълумотлар ва хужжатлар (керакли бўлган маълумотнома, қарор ва буйруқ лойиҳаларига таклифлар) Кенгаш котибига мажлисдан икки ҳафта олдин тақдим этилади.

22. Кенгаш котиби кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш аъзоларидан тегишли маълумотларни олади, таҳлил қиласи ва умумлаштириб, Кенгаш раисига киритади. Маълумотга ҳисобот даврида Кенгаш аъзолари томонидан йўл кўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш ҳамда фаолиятни такомиллаштириш таклифлари ҳам киритилади.

Кенгаш котиби Кенгаш баённомасини расмийлаштиради ва Кенгаш қарорларига асосан Қарор лойиҳасини Кенгаш раисига имзолашга киритади.

23. Кенгаш раисининг қарорига биноан мажлис ўтказиш вақти ўзгартирилиши ва навбатдан ташқари мажлислар ўтказилиши мумкин.

Кенгаш мажлиси қарорлари бир ҳафта муддат ичida ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади ва бажарилиши учун жойларга етказилади.

6 Турли масалалар

Иш жараёнида янги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ушбу Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда киритилиши ва Низом такомиллаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг
2016 йил “Ў”декабрдаги~~359~~-сон буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоатчилик маслаҳат
Кенгаши таркиби**

Х. Мирзахидов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Кенгаш раиси

Ш. Шерматов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари

У. Аъламов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари

И. Джураев Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари

Б. Олматов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари

Жамоатчилик маслаҳат кенгаши аъзолари:

Б. Угламов Электрон хукумат ва давлат хизматларини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи в.в.б.

А. Мухитдинов Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи в.в.б.

С. Усманов Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи в.в.б.

А. Гатаулина Радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш бўлими бошлиғи

Т. Чекашкина Почта технологиялари ва хизматлари бўлими бошлиғи

Ф. Арипжанов Лицензиялаш ва лицензия шартномалари ижросини таҳлил қилиш қилиш бўлими бошлиғи

Ш. Мелибоев Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

Р. Хурсанов Юридик ва норматив-хукуқий масалалар бўйича бўлим бошлиғи

| | |
|-----------------|---|
| И. Абдуллаев | Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси – ижрои директори |
| Ш. Атамухамедов | «Ўзбекистон почтаси» АЖ бош директори |
| Э. Алиходжаев | GLOBAL LOGISTICS SYSTEMS» МЧЖ (DHL) директор ўринбосари |
| Ф. Рустамов | «SURAT KARGO» МЧЖ (TNT) директори |
| Н. Хасанов | «Ўзбектелеком» АК техник директори |
| Х. Хасанов | «UNICON.UZ» ДУК директори |
| Д. Шуков | «Unitel» МЧЖ бош директори |
| Т. Грюнберг | «Coscom» МЧЖ ХК бош директори |
| У. Сахобов | «UMS» МЧЖ бош директори в.б. |
| М. Ахмедов | «Rubicon Wireless Communication» МЧЖ ХК бош директори в.б. |
| И. Ашуроев | Алоқа, ахборотлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасидаги назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Кенгаш котиби |
| Лавозими бўйича | Вазирлик тизимидағи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари |
| Лавозими бўйича | Лицензия асосида фаолият юритувчи телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар раҳбарлари |

Изоҳ: Кенгаш аъзоси лавозимидан озод қилинса ёки бошқа лавозимга ўтказилса, ушбу лавозимга тайинланган ходим Кенгаш аъзоси ҳисобланади.